



Ўрхун (1288-1359) – усмонийлар давлатининг иккинчи хукмдори (1326-1359). 1288 йили Онадўлида тугилган.

Усмондан сўнг бей бўлган Ўрхун Бурсани бейликнинг пойтахти бўлганини маълум килди. Ўрхун 1327 йили Бурсада биринчи марта кумуш танга – акча зарб килдирди. Бу бейликнинг мустакил бўлиши жараёни якунланаётганини билдирарди. Усмонийларнинг кейинги юришлари шимолга каратилди.

1330 йили Ўрхун кўшини Никея (Изник)ни, 1337 йили Никомедия (Измит)ни қўлга киритди. Турклар Ўрхуннинг укаси Аълоуддин бошчилигида Никеяга караб юриш килишаётганда, дараларнинг бирида турклар ва император кўшинлари ўртасида жанг бўлиб ўтди. Византияликлар маглуб бўлишди, император эса жароҳатланди. Никеяни олиш учун килинган бир неча хужумлар туркларга муваффакият келтирмади. Улар тажрибадан ўтган камал усулини қўллаб, Никеяга олиб борадиган барча йўлларни тўсиб қўйишди. Хеч қандай чора топа олмаган Никея таслим бўлди. Никеянинг забт этилиш усмонийларга Византия империясининг Осиёдаги мулкларига хужум килиш учун йўл

очди.

Денгиз оркали ёрдам олиб турган Никомедия камали эса 9 йил давом этди. Ўрхун Никомедияни олиш учун Мармар денгизининг тор бўгозини камал килди. Хеч қандай имкониятсиз қолган Никомедия (Измит) туркларнинг шафқатига умид қилиб шаҳарни топширишди.

Никея ва Никомедияни олгандан сўнг турклар Босфордан Измит кўрфазининг шимолидаги ерларга эга бўлишди. Измит туркларнинг янги флоти учун дастлабки бандаргоҳ вазифасини ўтай бошлади. Туркларнинг Мармар денгизи ва Босфор сохилларига чиқиши, уларнинг Фракияга қиладиган ҳужумларига замин яратди.

1338 йилдан бошлаб турклар Фракия ерларини олишга ҳаракат бошлаб юборишди, Ўрхуннинг ўзи эса ўттизга яқин кема билан Константинопол остоналарида пайдо бўлди. Бироқ Ўрхун бўлинкаси Византия кўшинларидан мағлуб бўлди. Император Ўрхун билан муносабатларни яхшилаш учун унга қизини берди. Ўрхун бир муддат Византияга қарши ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб, ҳатто Византияга ҳарбий ёрдам ҳам бериб турди. Лекин Ўрхун Босфорнинг Осиёдаги қисмини ўзининг мулки деб биларди. Император ҳузурига меҳмон сифатида борган Ўрхун унга Босфорнинг Осиё қисмида зиёфат уюштиришни таклиф қилди. Император ўзининг аъёнлари билан ўша ерга боришга мажбур бўлди.

Кейинчалик усмонийларнинг Фракия ҳудудига қириши Ўрхун ва Византия муносабатларини янада кескинлаштирди. Яна ўн-ўн беш йиллардан сўнг Ўрхун кўшини Византиянинг Европадаги қисмига ҳужум қила бошлади. Бунга XIV асрнинг 40-йилларида Кареси бейлигидаги тахт учун бўлаётган кураш тўртки берди. Бейликнинг ҳудуди Дарданел бўғозининг шарқий сохилларигача бўлган ерлар эди.

1345 йили Ўрхун Кареси бейлигини тугатди. Турклар 1346 йили Византияда бўлаётган фуқаролар уруши (1341-1347)га араллашиб бўлажак император Иоанн VI Кантакузенга ёрдам беришди ва амалдаги император Иоанн V Палеологга қарши курашишди. Бунинг эвазига Ўрхунга Иоанн VI нинг қизи Феодора хотинликка берилди.

XIV асрнинг ўрталарида турклар ҳарбий ҳаракатларини факат гарбда эмас, шарқда ҳам қучайтира бошлашди. Ўрхун бейлиги Элхонийлар давлатининг қулашидан сўнг, амалда мустақил бўлиб олган мўғулларнинг Кичик Осиёдаги ноиблари Эртен давлати билан чегарадош эди. Эртен ўлганидан кейин унинг давлатида фитналар юз бериб, тахт учун кураш бошланиб кетди. Ўрхун бу вазиятдан фойдаланиб 1354 йили Эртен ерларига бостириб қириб Анкарани эгаллади.

Турклар 1352-1354 йилларда Европадаги биринчи фатҳларини бошлашди. 1354 йили турклар қилзила туфайли мудофаа деворлари қайрон бўлган Галлиполини қийинчиликсиз қабт этишди. 1356 йили Ўрхуннинг ўғли Сулаймон бошчилигидаги қўшин Дарданел орқали қириш қилиб, Дзори́лос (Чорлу) қабби бир қанча шаҳарларни бўйсундирди. Сулаймон қўшини Адрианопол (Эдирна)га қараб йўлга тушди. Сулаймон қиришининг асосий мақсади ҳам шу эди. Лекин тахминан 1357 йили Сулаймон режасини амалга ошира олмай вафот этди.

А. Кодировнинг "ШАРҚНИНГ МАШХУР ҚУЛОЛАЛАРИ" қитобидан